

**“ҚАЙТА РЎЙХАТДАН
ЎТКАЗИЛДИ”**
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги

2025 йил 10 сентябрь
№ 432п-сон

“ТАСДИҚЛАНДИ”
Ўзбекистон ахборот технологиялари
ва оммавий коммуникация
ходимлари касаба уюшмаси
Х-Қурултойининг
2025 йил 14 августдаги
Х-4-сон қарори



**ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ**

У С Т А В И
(янги таҳрир)

Тошкент – 2025



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИ
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

ГУВОҲНОМА

2015 йил 21 сентябрь 432п-сон

ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ

Фаолияти ҳудуди: Ўзбекистон Республикаси

Ташкилий-ҳуқуқий шакли: жамоат бирлашмаси

КТУТ коди: 16311728

СТИР коди: 201302915

Фаолиятининг асосий мақсадлари: касаба уюшмаси аъзолари, шунингдек корхона, ташкилот ва муассасалар ходимларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРИ




ИКРАМОВ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси (*кейинги ўринларда* – “Касаба уюшмаси” деб юритилади) мулкчилик шаклидан қатъий назар алоқа, ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ҳамда бошқа соҳадаги корхона, муассаса, ташкилотларда (*кейинги ўринларда* – “корхона”) меҳнат қилаётган ходимларнинг касбий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ҳамда қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилган ўзини ўзи бошқарувчи нодавлат ноtijjорат ташкилоти бўлиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ихтиёрий жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

2. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади. Унинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро конвенциялар, касаба уюшмасининг таъсис ҳужжатлари ва мазкур Устав асосида юритилади.

3. Касаба уюшмаси ва унинг тизимидаги бошлагич касаба уюшмаси ташкилотлари (*кейинги ўринларда* – “бошланғич ташкилот”) ўз фаолиятида, шу жумладан молиявий фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақил бўлиб, улар олдида ҳисобдор эмас ва улар томонидан назорат қилинмайди, қонунларда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

4. Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди. Касаба уюшмаларининг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Касаба уюшмаларининг фаолиятини давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар ташаббусига кўра тугатишга йўл қўйилмайди.

5. Касаба уюшмаси мазкур Уставда белгиланган мақсадларга ҳамда вазифаларга мувофиқ бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиши, халқаро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмалари ҳамда ташкилотларига аъзо бўлиши мумкин.

Касаба уюшмасининг хорижий касаба уюшмалари билан ҳамкорликдаги, шунингдек, халқаро касаба уюшмалари бирлашмалари ҳамда ташкилотларидаги фаолияти Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (*бундан буён матнда “Федерация” деб юритилади*) билан келишилган ҳолда олиб борилади ва касаба уюшмаларининг умумий сиёсатига зид бўлиши мумкин эмас.

6. Касаба уюшмаси ташкилоти ўз аъзоларининг манфаатларини кўзда тутиб, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, иш берувчилар, бошқа жамоат бирлашмалари, юридик шахслар ва фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Касаба уюшмасининг фаолияти иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари (вазирлик, компания, агентлик, уюшма), давлат хокимияти ва бошқарув органлари билан ижтимоий шериклик тамойили асосида тузилган жамоа шартномалари ва келишувларига ҳамда меҳнатга оид муносабатларда томонларнинг тенг ҳуқуқлигига асосланади.

7. Касаба уюшмасининг расмий номи:

ўзбек тилида, крилл ёзувида – Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси;

лотин ёзувида – O‘zbekiston axborot texnologiyalari va ommaviy kommunikasiy xodimlari kasaba uyushmasi;

рус тилида – Профессиональный союз работников информационных технологий и массовых коммуникации Узбекистана;

Инглиз тилида - Trade union workers of information technology and mass communication of Uzbekistan;

8. Касаба уюшмасининг доимий фаолият юритувчи раҳбар органининг манзили (почта адреси): Ўзбекистон Республикаси, 100029, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 24-уй.

II. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

9. Касаба уюшмасининг асосий мақсади ўз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ифодалашдан иборат.

10. Касаба уюшмасининг асосий вазифалари:

- касаба уюшмаси аъзосининг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши учун ҳаракат қилиш, касаба уюшмаси аъзоларига бепул ҳуқуқий ёрдам ва маслаҳатлар бериш;

- иш берувчилар билан тармоқ (лозим бўлганда ҳудудий) келишувлари, жамоа шартномалари тузилишига эришиш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни олиб бориш;

- иш берувчилар билан ижтимоий шериклик кўламини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- қонунчиликда белгиланган тартибда иш берувчилар томонидан ходимларнинг манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилингунига қадар касаба уюшмаси билан маслаҳатлашувлар ўтказилишига, жамоа келишувларида ҳамда шартномаларида белгиланган тартибда ва миқдорда маблағлар ажратилишига эришиш;

- касаба уюшмаси аъзолари ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва оммавий спорт, болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни ривожлантириш тадбирларини ташкил этиш, ушбу масалаларда давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бирлашмалар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

- фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғида, расмий веб-сайтларида мунтазам равишда ёритиб боришдан иборат.

11. Касаба уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича вазифалари ва уларнинг бажарилиш тартиби касаба уюшмаси Қурултойида тасдиқланадиган Ҳаракат Дастурида белгиланади.

12. Касаба уюшмаси ўз аъзоларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида таъқиқланмаган барча воситалардан фойдаланади.

III. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

13. Касаба уюшмаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ходимлар номидан жамоа музокараларини олиб бориш, жамоа шартномалари ва келишувларини тузиш;

- инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини ва эркин ривожланишини таъминловчи шарт-шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий дастурларни шакллантиришда, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонларини ва тирикчилик учун зарур бўлган нарсаларнинг энг кам миқдорини белгилашда иштирок этиш;

- ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- давлат бандлик дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, бандликни таъминлаш, шу жумладан янги иш ўринларини ташкил қилиш ва мавжудларини сақлаб қолиш, ташкилотларнинг фаолиятини яхшилаш, ходимларнинг оммавий равишда ишдан озод этилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни таклиф этиш;

- қонун ҳужжатларида ташкил этилиши ҳамда фаолият кўрсатиши тартиби белгиланадиган меҳнат низолари бўйича комиссияларнинг ишида, шунингдек жамоавий меҳнат низоларини тартибга солишда иштирок этиш;

- ўз устав фаолиятини амалга ошириш учун давлат органларидан, уларнинг мансабдор шахсларидан, иш берувчилардан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари масалалари юзасидан бепул ахборот олиш;

- рамзий белгиларини таъсис этиш;

- ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

- оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

- мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган танлов, тадбир ва анжуманлар ташкил этиш, ўтказиш, касаба уюшмаси ходимлари ва фаолларини рағбатлантириш;

- Уставда белгиланган мақсад ҳамда вазифаларига мувофиқ белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, тижорат ташкилотларини ташкил этиш, ноширлик фаолияти билан шуғулланиш, турли жамғармаларни шакллантириш;

- ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар, Қурултойлар ўтказиш.

Касаба уюшмаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Касаба уюшмасининг мажбуриятлари:

- қонун ҳужжатларига риоя этиш;

- иш берувчилар томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

- ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;

- рўйхатдан ўтказувчи орган вакилига ўзи ўтказаетган тадбирларга эркин кириш имконини бериш;

- ўз аъзолари олдида камида бир йилда бир марта ўз фаолияти ҳақида ҳисобот бериш;

- рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида қонунчиликда белгиланган ҳисоботларни тақдим этиш.

Касаба уюшмаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

IV. КАСАБА УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

15. Касаба уюшмасига аъзо бўлиш ихтиёрийдир. Касаба уюшмаси Устави талабларини тан олувчи ва бажарувчи, аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб борувчи 15 ёшга тўлган ҳар бир жисмоний шахс касаба уюшмаси аъзоси бўлиши мумкин.

16. Касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш якка тартибда, аъзоликка кирувчининг шахсий аризасига асосан бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши ёки сайланган органи мажлисида амалга оширилади.

Ўриндошлик ёки фуқаровий ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида фаолият юритаётган фуқаро бир вақтнинг ўзида бошқа тармоқ касаба уюшмасига аъзо бўлиши мумкин.

Касаба уюшма аъзосига бошланғич ташкилот (цех) касаба уюшма кўмитаси раиси ёки ташкилотчиси томонидан ягона намунадаги аъзолик билети топширилади.

Касаба уюшмаси аъзоси асосий иш (ўқиш) жойидаги бошланғич ташкилот ҳисобида туради.

17. Касаба уюшмаси ташкилоти тузилмаган корхоналарда ходимларни касаба уюшма аъзолигига қабул қилиш Ижроия кўмита қарори билан амалга оширилади.

18. Қуйидаги касаба уюшмаси аъзолари бошланғич ташкилот умумий йиғилиши (касаба уюшмаси кўмитаси) қарорига мувофиқ касаба уюшмасига аъзоликни сақлаб қолишлари мумкин:

- болани, касал ва ногиронларни парвариш қилиш сабабли вақтинча иш фаолиятини тўхтатганлар;

- саломатлиги ёмонлашганлиги ёки пенсияга чиқиб, меҳнат фаолиятини тўхтатган, лекин касаба уюшмаси ташкилоти билан алоқани узмаган ва аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб бораётганлар;

- ходимлар сони (штат) қисқариши, шунингдек, ташкилотнинг тугатилиши сабабли ишдан озод қилинганлар - ишга жойлашгунларига қадар, кўпи билан уч ойгача (фақат тизимидаги ташкилотга);

- иш берувчи томонидан ноқонуний равишда ишдан бўшатирилганлар - қайта ишга тикланган тақдирда.

Қуролли кучлар сафидан ҳарбий хизматдан қайтганлар, шунингдек республика ҳудудидан ташқарига вақтинча ишга кетганлар қайтиб келгандан сўнг тармоқ тизимидаги ташкилотга ишга жойлашса унинг аризасига асосан касаба уюшмасига аъзолик тикланади.

19. Касаба уюшмаси аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- касаба уюшмаси органларидан бепул ҳуқуқий ёрдам олиш ҳамда давлат, суд ва мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик органларида меҳнат муносабатларига оид масалалар бўйича касаба уюшмасининг ҳимоясида бўлиш;

- ўзининг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб ҳар қандай даражадаги касаба уюшмаси органларига мурожаат этиш ва мурожаати бўйича тегишли жавобни талаб қилиш;

- касаба уюшмаси ташкилотларининг сайланган органларига сайлаш, сайланиш;

- касаба уюшмасининг тадбирларида иштирок этиш, ўз фикрини эркин баён қилиш, ўз фаолияти ва/ёки хулқ-атворига тааллуқли масала кўрилаётган мажлис, йиғилиш, конференцияларда шахсан иштирок этиш;

- тегишли касаба уюшмаси ташкилотларининг раҳбар органлари томонидан белгиланган тартибда маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилиш;

- Федерация тасарруфидаги соғломлаштириш муассасалари (санаторий-курортлар, дам олиш уйлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари)га белгиланган тартибда имтиёзли йўлланмалар олиш, маданият муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланиш;

- шахсий аризасига кўра касаба уюшмаси аъзолигидан эркин чиқиш.

20. Касаба уюшмаси аъзоларининг мажбуриятлари:

- касаба уюшмаси Уставига риоя қилиш ва касаба уюшмаси органлари қарорларини белгиланган муддатида ва сифатли бажариш;

- касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятида иштирок этиш;

- жамоа шартномалари ва келишувлари мажбуриятларининг бажарилишига кўмаклашиш;

- касаба уюшмаси фаолиятига тўсқинлик қиладиган ва зарар келтирадиган, касаба уюшмасининг шаънига зиён етказадиган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик.

21. Касаба уюшмаси фаолиятида фаол қатнашганлиги учун касаба уюшмаси аъзолари касаба уюшмаси органлари томонидан белгиланган тартибда маънавий ва моддий рағбатлантирилиши мумкин.

Касаба уюшмасидаги фаол иштироки учун касаба уюшмаси аъзосига қуйидаги рағбатлантириш турлари қўлланилади:

ташаккурнома эълон қилиш;

қимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан мукофотлаш;

пул мукофоти бериш;

Фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш;

имтиёзли равишда йўлланмалар ажратиш;

эсдалик ва кўкрак нишони билан тақдирлаш;

давлат ва идоравий мукофотларга тақдим этиш.

22. Уставда белгиланган мажбуриятларни бажармаган касаба уюшмаси аъзосига нисбатан қуйидаги жамоатчилик таъсир чоралари қўлланиши мумкин:

танбеҳ бериш (огоҳлантириш);

сайланма орган таркибида бўлса – орган таркибидан чақириб олиш ёки чиқариш;

касаба уюшмаси аъзолигидан чиқариш.

23. Жамоатчилик таъсири чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор касаба уюшмасига қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган ёки юқори касаба уюшмаси раҳбар органи томонидан айбдор касаба уюшма аъзосининг иштирокида кўриб чиқилади.

Касаба уюшмаси аъзоси йиғилишда иштирок этишини узрли сабабсиз рад этган ҳолларда, жамоатчилик таъсири чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор унинг иштирокисиз ҳам қабул қилиниши мумкин.

24. Қоида тариқасида, ҳар бир айбли ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун касаба уюшмаси аъзосига фақат битта жамоат таъсир чораси қўлланилади.

Жамоатчилик таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор нусхаси 3 (уч) иш кунинда касаба уюшмаси аъзосига юборилади.

25. Қўлланган жамоатчилик таъсир чорасидан норози бўлган касаба уюшмаси аъзоси бир ой муддат ичида юқори касаба уюшмаси раҳбар органига ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

Касаба уюшмаси аъзоси қарор қабул қилган органга ёзма равишда мурожаат этган тақдирда, мурожаат олинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечикмай, унга жамоатчилик таъсир чораси қўллаш тўғрисида қарор нусхаси тақдим этилади ёки мурожаатида кўрсатган манзилга почта орқали ёхуд электрон кўринишда юборилади.

26. Касаба уюшмаси аъзосига нисбатан огоҳлантириш туридаги жамоатчилик таъсир чорасини қўллаган касаба уюшмаси органи, ўз ташаббусига кўра, қарор қабул қилинган кундан бошлаб камида уч ойдан сўнг таъсир чорасини олиб ташлаши мумкин.

Қўлланилган жамоатчилик таъсири чораси берилган кундан бошлаб бир йилдан сўнг ўз кучини йўқотади.

27. Аъзолик бадалини узрсиз сабабларга кўра 6 (олти) ойдан ортиқ тўламаган аъзо касаба уюшма сафидан чиққан деб ҳисобланади (ушбу Уставнинг 18-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

Касаба уюшмаси аъзолигидан чиқарилган ёки чиққан шахс касаба уюшмаси томонидан бепул ҳуқуқий ёрдам олиш, ўзининг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши, касаба уюшмасининг мулки ва воситаларидан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқини йўқотади.

V. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

28. Касаба уюшмаси фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

сайлаш ва сайланиш;

ихтиёрийлик;

камситишга йўл қўймаслик;

мустақиллик ва ўзини-ўзи бошқариш

тенг ҳуқуқлилиқ;

ошкоралиқ ва очиқлик.

29. Касаба уюшмасининг ташкилий тузилмасини қуйидагилар ташкил этади:

бошланғич ташкилотлар;

ҳудудий бўлинмалар (вакиллик, бирлашган кўмита (заруриятга кўра));

Касаба уюшмаси Республика кенгаши;

Республика кенгаши аппарати;

Тафтиш комиссиялари.

30. Касаба уюшмаси тизимида хотин-қизлар, ёшлар билан ишлаш ва бошқа кенгашлар, комиссиялар тузилиши мумкин, уларнинг фаолияти Ижроия кўмита қарори билан тасдиқланадиган тегишли Низомга мувофиқ тартибга солинади.

VI. БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТИ

31. Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти бир ёки бир нечта иш берувчида ишлайдиган ёки таълим муассасасида ўқийдиган касаба уюшмаси аъзоларининг тегишли тармоқ касаба уюшмаси Устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий бирлашмасидир.

Бошланғич ташкилот касаба уюшмасининг асоси ҳисобланади. Бошланғич ташкилотни тузиш камида 2 (икки) нафар касаба уюшмаси аъзосининг ташаббуси билан амалга оширилади.

32. Бошланғич ташкилотни тузиш тўғрисида қарор корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг таъсис йиғилиши ёки Конференцияси томонидан қабул қилинади.

Таъсис йиғилиши ёки Конференция қарори асосида бошланғич ташкилотни касаба уюшмаси хизмат дорирасига олиш (ҳисобга олиш) Ижроия қўмита қарори билан амалга оширилади.

33. Бошланғич ташкилотлар юридик шахс мақоми билан ёки юридик шахс мақомисиз ташкил этилиши мумкин.

Юридик шахс мақомига эга бўлган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда адлия органларида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўз ихтиёрига кўра адлия органларида ҳисобга қўйилиши мумкин.

34. Бошланғич ташкилотни тугатиш тўғрисида Ижроия қўмитани камида икки ой олдин огоҳлантирган ҳолда, бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши ёки Конференциясида қарор қабул қилиниши мумкин.

Бошланғич ташкилотни тугатиш ва касаба уюшмаси хизмат доирасидан чиқариш Ижроия қўмитанинг қарори билан расмийлаштирилади.

35. Ижроия қўмита қарори билан касаба уюшмаси аъзоларининг миқдори (сони) ёки ҳудудий тарқоқлик шароитида фаолият юритаётган бошланғич ташкилотга қўмита раёсатини сайлаш ҳуқуқи берилиши мумкин.

36. Қуйидагилар бошланғич ташкилотнинг органлари ҳисобланади:

умумий йиғилиш (конференция) - олий органи;

касаба уюшмаси қўмитаси - коллегиял раҳбар органи;

касаба уюшмаси қўмитаси раиси;

касаба уюшмаси ташкилотчиси - фаолиятини яккабошчилик асосида олиб боровчи раҳбар органи;

тафтиш комиссияси (банкда ўз ҳисобварағига эга бўлган бошланғич ташкилотларда) - коллегиял назорат органи.

37. Касаба уюшмаси қўмитасининг мажлислари заруриятга қараб, ҳар 3 (уч) ойда камида бир марта ўтказилади.

Кам сонли, яъни ўн беш нафаргача касаба уюшма аъзоси бўлган бошланғич ташкилотда касаба уюшмаси қўмитасининг мажлислари заруриятга қараб, лекин ҳар 6 (олти) ойда камида бир марта ўтказилади.

38. Касаба уюшмаси қўмитаси ёки ташкилотчиси ҳар йил якунида касаба уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши (Конференцияси)да ўз фаолияти ҳамда касаба уюшмаси ва хўжалик субъектларидан ажратилган маблағларнинг сарфланиши тўғрисида ҳисобот беради.

39. Касаба уюшмаси қўмитаси раиси ва ташкилотчисининг муддатдан илгари сайлови мазкур ташкилот аъзоларнинг камида 1/3 (учдан бир) қисмининг ёзма талабига, шунингдек, уларнинг ўз ташаббуси билан ёки юқори касаба уюшмаси раҳбар органининг қарорига биноан ўтказилади.

40. Ижроия қўмита қарорига кўра, бошланғич ташкилотларга кўшимча ваколатлар берилиши мумкин.

Шунингдек худудий тарқоқлик ёки бошқа ҳолатларни эътиборга олган ҳолда, касаба уюшмаси қўмитаси ўзининг айрим ҳуқуқларни таркибидаги цех қўмитасига бериши мумкин.

Цех қўмитасига берилиши мумкин бўлган ҳуқуқлар Ижроия қўмита билан келишилган ҳолда белгиланади.

41. Корхона, ташкилот ёки муассасада мулкчилик шакли ўзгарган тақдирда, бошланғич ташкилот ўз ҳуқуқий мақомини сақлаб қолган ҳолда, фаолият кўрсатишни давом этади.

42. Бошланғич ташкилотнинг раҳбар органи касаба уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши ёки Конференцияси ҳисобланади.

Умумий йиғилишда касаба уюшма аъзоларининг камида 50 (эллик) фоизи иштирок этади.

Конференцияда 100 нафардан кўп аъзолари бўлган ёки худудий тарқоқлик ёхуд бошқа ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда аъзолардан сайланган делегатлар иштирок этади.

43. Бошланғич ташкилотларда умумий йиғилиш ёки Конференция заруриятга қараб, лекин ҳар йили камида бир марта ўтказилади.

Зарур ҳолларда, умумий йиғилиш (Конференция) касаба уюшмаси кўмитаси қарори билан касаба уюшмаси аъзоларининг камида 1/3 (учдан бир) қисми талабига асосан ёки юқори турувчи касаба уюшмаси органининг қарорига мувофиқ чақирилади.

44. Бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши (Конференцияси)ни чақириш, вакиллик нормаси ва кун тартиби тўғрисидаги касаба уюшмаси кўмитаси қарори камида 5 (беш) кун олдин эълон қилинади.

45. Бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши:

- бошланғич ташкилот касаба уюшмаси кўмитаси аъзоларини (уларнинг захирасини-дублёрларини), кўмита раиси, раис ўринбосари, касаба уюшмаси ташкилотчиси (банкда ўз ҳисобварағига эга бўлган бошланғич ташкилотларда - тафтиш комиссияси аъзолари ва унинг раисини сайлайди (ғазначини тайинлайди));

- касаба уюшмаси кўмитаси, касаба уюшмаси ташкилотчисининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади ва баҳо беради;

- касаба уюшмаси тизимида амалда бўлган меъёрий ҳужжатларга зид бўлмаган ўзининг локал (ички) ҳужжатларини қабул қилади, шунингдек уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритади;

- юқори касаба уюшмаси ташкилоти конференциясига делегатлар, сайланган органлари таркибига вакилларни ва уларнинг захираси-дублёрларини сайлайди (юқори касаба уюшмаси ташкилоти томонидан шундай тартиб белгиланган тақдирда);

- бошланғич ташкилотни қайта ташкил этиш, тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

- бошланғич ташкилот тасарруфида тижорат ташкилот(лар)ини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади (фақат юридик шахс бўлган бошланғич ташкилотларда).

Умумий йиғилиши (конференция) айрим ҳуқуқларини бошланғич ташкилот касаба уюшмаси кўмитасига бериш ваколатига эга.

46. Касаба уюшмаси кўмитаси (ташкилотчиси):

- меҳнат, меҳнат муҳофазаси, маънавият ва маърифат, жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш соҳаларида ташкилот ходимларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ифодалайди ҳамда ҳимоя қилади;

- юқори касаба уюшмаси органлари томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлайди;

- меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантиришнинг жорий ва истиқбол режаларини ишлаб чиқишда, якка тартибдаги ва жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал қилишда қатнашади;

- ўрнатилган тартибда жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этади, лойиҳани тегишли юқори касаба уюшмаси органи экспертизасидан ўтказди ва маъқуллаш учун умумий йиғилиш (конференция)га киритади;

- иш берувчи томонидан қабул қилинадиган меҳнатга оид локал ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқади ва эътирозлар бўлмаган тақдирда келишиб беради;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимларнинг манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилингунига қадар иш берувчидан касаба уюшмаси кўмитаси (касаба уюшмаси ташкилотчиси) билан маслаҳатлашувлар ўтказилишини талаб қилади ва ўрнатилган тартибда кўриб чиқади;

- жамоа шартномасида ёки тармоқ келишувида назарда тутилган ҳолларда иш берувчининг ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ёки бермаслик масаласини ҳал қилади;

- иш берувчининг амалдаги қонунчиликка зид тарзда қабул қилган қарорлари, буйруқларини белгиланган тартибда бекор қилиниши чораларини кўради;

- амалдаги қонунчиликка биноан, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этади, меҳнат ҳуқуқи, меҳнат ва саломатлик муҳофазаси масалалари бўйича меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади, уларга риоя этилишини назорат қилади;

- бошланғич ташкилот фаолларини ўқитишни ташкил этади;

касаба уюшмаси кўмитаси зарур ҳолларда (соғлиги туфайли ўз вазифаларини бажара олмаган, лавозимидан озод этиш ҳақида ариза

берган) умумий йиғилиш (конференция) оралиғида касаба уюшмаси қўмитаси раиси, раис ўринбосарини лавозимидан озод этиш ва сайлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин;

юридик мақомга ва банкда ҳисобварағига эга бўлган тақдирда, ўз ихтиёрида қолдирилган маблағ доирасида, юқори касаба уюшма органи томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, касаба уюшмаси бюджетини, даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлайди ҳамда бу маблағларни Уставда белгиланган мақсадларга сарфлайди;

- аъзолик бадаллари маблағларини белгиланган тартибда ва миқдорда юқори касаба уюшмаси органларига ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини таъминлайди;

амалдаги Низомлар асосида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларини, улар ўртасида маданий-маърифий, оммавий-спорт тадбирларини ташкил қилади;

ўрнатилган тартибда касаба уюшмаси фаолларини моддий ва маънавий рағбатлантириш ишларини ташкил қилади;

Касаба уюшмаси қўмитаси (ташкилотчиси) касаба уюшмаси Республика кенгашининг Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган “Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисида”ги Низомга мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

47. Касаба уюшмаси қўмитаси раиси (ташкилотчиси) касаба уюшмаси аъзолари орасидан сайланади. Бунда, касаба уюшмаси қўмитаси раислиги (ташкилотчиси)га номзод шахс касаба уюшмаси аъзолари фаолият юритаётган корхона, ташкилот, муассасанинг ходими бўлиши мажбурий эмас.

48. Цех қўмитаси ўз фаолиятини корхона бўлинмасида ташкил қилади, юқори касаба уюшмаси ташкилотлари раҳбар органлари қарорларининг бажарилишини таъминлайди, касаба уюшмаси гуруҳ ташкилотчилари ишини йўналтириб ва мувофиқлаштириб боради.

Ваколлати доирасида цех ташкилотининг умумий йиғилишини чақиради, йиғилиш кун тартиб бўйича таклифларни киритади, қўриладиган масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланишини ташкил қилади.

49. Касаба уюшмаси гуруҳ ташкилотчиси аъзолар билан якка тартибда иш олиб боради, уларни жамоатчилик ишларида фаол иштирок этишга жалб қилади, меҳнат, ўқиш, малака ошириш, маиший

хизмат ҳамда дам олиш шароитларини яхшилаш борасида касаба уюшмаси кўмитасига таклифлар киритади.

Ваколати доирасида якка тартибда қарорлар қабул қилади.

50. Бошланғич ташкилот фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор ўзи касаба уюшмаси хизматида бўлган органни хабардор қилган ҳолда бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши (конференцияси)да қабул қилинади. Кворум мавжуд бўлгани ҳолда умумий йиғилишда иштирок этаётган касаба уюшмаси аъзоларининг, конференцияда иштирок этаётган делегатларнинг учдан икки қисми кўллаб-қувватлаганда қарор қабул қилинган ҳисобланади.

Қабул қилинган қарор нусхаси умумий йиғилиш (конференция) ўтказилган кундан бошлаб уч иш куни ичида мазкур бошланғич касаба уюшмаси хизматида бўлган органга такдим этилади.

51. Ташкилот тугатилган ҳолда, агар умумий йиғилиш (конференция) ўтказиш имкони бўлмаса, мазкур бошланғич ташкилот касаба уюшмаси хизматида бўлган тегишли орган уни ҳисобдан чиқаради. Бунинг учун бошланғич ташкилотни давлат реестридан чиқарилганлиги асос бўлади.

52. Бошланғич ташкилот тугатилганда барча молиявий мажбуриятлар бажарилгандан сўнг қолган унинг мол-мулки ва маблағлари Уставда белгиланган мақсадларга сарфлаш учун тегишли далолатнома асосида Республика кенгашига ўтказилади.

53. Бошланғич ташкилот бошқа тармоқ касаба уюшмаси хизматига ўтган ҳолларда уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмайди.

Бунда, касаба уюшмаси аъзолик бадалларидан юқори касаба уюшмаси органига ўтказиб берилиши керак бўлган пул маблағларидан қарздорлик сўндирилиши ва бошқа мулкый мажбуриятлар бажарилиши, шу жумладан касаба уюшмасига тегишли бўлган барча мол-мулк мулкдорга қайтарилиши шарт.

54. Бошланғич ташкилот тугатилган, шунингдек бошқа тармоқ касаба уюшмаси хизматига ўтказилган ҳолда ваколатли органи бошланғич ташкилотни рўйхатдан чиқариш ҳақида қарор қабул қилиши лозим.

55. Ташкилотда мулкчилик шакли ўзгарган, қайта ташкил этилган тақдирда, бошланғич ташкилот ва унинг органлари ўз ҳуқуқий мақомини сақлаб қолган ҳолда фаолият кўрсатишни давом эттиради.

VII. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ХУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ

56. Худудлар(вилоятлар)даги касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириб ва йўналтириб бориш, худуд даражасида тармоқ касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида, Федерация билан келишилган ҳолда, Ижроия қўмита қарорига мувофиқ касаба уюшмасининг худудий ташкилотлари (бўлинма, бирлашган қўмита, Вакиллик ва ҳ. (кейинги ўринларда – “худудий бўлинма”) ташкил қилиниши мумкин.

57. Худудий бўлинма юридик шахс мақоми билан ёки юридик шахс мақомисиз ташкил этилиши мумкин.

Юридик шахс бўлган худудий бўлинма давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ташкил этилган ҳисобланади.

58. Худудий бўлинманинг раҳбар органлари таркибини шакллантириш унинг конференциясида амалга оширилади.

59. Худудий бўлинманинг фаолияти ушбу Устав, шунингдек Ижроия қўмитанинг қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмасининг худудий бўлинмаси тўғрисидаги Низом” асосида олиб борилади.

60. Худудий бўлинма фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ижроия қўмитанинг ёки худудий бўлинма конференциясининг қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

61. Худудий бўлинма фаолияти тугатилган ҳолда барча молиявий мажбуриятлар бажарилганидан сўнг қолган мол-мулки ва маблағлари Уставда белгиланган мақсадларга сарфлаш учун Республика кенгашига ўтказилади.

62. Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида касаба уюшмасининг Вакили ёки масъул ташкилотчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

Худуд бўйича вакил (масъул ташкилотчи)ни ишга қабул қилиш, у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш Республика кенгаши раисининг фармойиши билан амалга оширилади.

63. Худуд бўйича вакил (масъул ташкилотчи) ушбу Устав ва Ижроия қўмита томонидан тасдиқланадиган “Касаба уюшмасининг худуд бўйича Вакили (масъул ташкилотчиси) тўғрисидаги Низом” асосида фаолият юритади.

VIII. КАСАБА УЮШМАСИ ВА УНИНГ РАҲБАР САЙЛАНМА ОРГАНЛАРИ

64. Қуйидагилар касаба уюшмасининг юқори сайланма органлари ҳисобланади:

Қурултой – касаба уюшмасининг олий раҳбар органи;

Республика кенгаши – Қурултойлар оралиғида касаба уюшмасининг доимий фаолият юритувчи коллегиял раҳбар органи;

Республика кенгашининг Ижроия қўмитаси ((*кейинги ўринларда* – “Ижроия қўмита”) – касаба уюшмаси фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширувчи коллегиял ижро органи;

Касаба уюшмасининг раиси – фаолиятини яккабошчилик асосида амалга оширувчи ижро органи.

Тафтиш комиссияси – касаба уюшмасининг коллегиял назорат органи.

65. Касаба уюшмасининг камида 5 (беш) йилда бир марта ўтказиладиган Қурултойи унинг олий раҳбар органи ҳисобланади.

Қурултой Республика кенгаши Мажлиси қарорига биноан чақирилади. Қурултойга вакиллик нормаси ва унинг кун тартиби камида 1 (бир) ой олдин маълум қилинади.

66. Касаба уюшмасининг навбатдан ташқари Қурултойи Республика кенгаши Мажлиси қарорига мувофиқ ёки Федерация сайланма органи қарорига биноан чақирилиши мумкин. Навбатдан ташқари Қурултойни чақириш ва кун тартиби тўғрисидаги қарор камида 15 (ўн беш) кун олдин маълум қилинади.

67. Қурултой.

Қурултой олий раҳбар орган сифатида Республика кенгаши Мажлиси, Ижроия қўмитаси масалаларига доир ҳамда касаба уюшмаси фаолиятига оид ҳар қандай қарорлар қабул қилиши мумкин.

Қурултой ҳужжатлари қарор, резолюция, декларация, шунингдек мурожаат шаклида қабул қилиниши мумкин.

68. Қурултой қуйидаги ваколатларга эга:

- Республика кенгаши, тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш;

- касаба уюшмасининг устави ва “Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлаш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- касаба уюшмасини қайта номлаш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;
- касаба уюшмаси фаолиятининг стратегик йўналишларини белгилаш, Ҳаракат дастурини ва бошқа дастурий ҳужжатларни қабул қилиш;

- касаба уюшмаси раисини сайлаш;

- Республика кенгашининг сон жиҳатдан таркибини белгилаш, аъзоларини сайлаш, белгиланган меъёрга мувофиқ ҳудудий бўлинмалар (бирлашган кўмиталар)дан Республика кенгаши таркибига сайланганларнинг ваколатларини тасдиқлаш;

- касаба уюшмасининг тафтиш комиссияси раисини ҳамда аъзоларини сайлаш, зарурат бўлганда муддатидан олдин ушбу таркибга ўзгартириш киритиш;

- касаба уюшмаси ҳаракатининг муҳим масалалари, жумладан Республика кенгаши, Ижроия кўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар, муурожаатномалар қабул қилиш;

- Федерация Қурултойига делегатлар, шунингдек, белгиланган квота бўйича Федерация Бош кенгаши таркибига вакилларни сайлаш.

69. Қурултой ўзининг мутлақ ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ваколатини Республика кенгашига ёки Ижроия кўмитага бериши мумкин.

70. Касаба уюшмаси раиси ва унинг ўринбосари ўз лавозимларига кўра касаба уюшмаси Қурултойининг делегати ҳисобланади.

71. Республика кенгаши.

Республика кенгаши Қурултойлар оралиғида 5 (беш) йил муддатга сайланадиган касаба уюшмасининг доимий фаолият юритувчи коллегиял раҳбар органи ҳисобланади.

Республика кенгаши таркибига лавозимига кўра касаба уюшмаси раиси ва унинг ўринбосар(лар)и киради.

72. Республика кенгашининг Мажлиси (Пленуми) заруриятга кўра, ҳар йили камида 1 (бир) марта ўтказилади ва касаба уюшмаси ўз фаолияти тўғрисида аъзоларига ҳисобот бериб боради.

Республика кенгашининг Мажлиси (Пленуми) Ижроия кўмита қарорига ёки Республика кенгаши аъзолари умумий сонининг камида 1/3 (учдан бир) қисмининг талабига кўра чақирилади.

Республика кенгаши Мажлисида (Пленумида) кўрилган масалалар бўйича хулосалар қарор шаклида қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

73. Республика кенгаши Мажлисини касаба уюшмаси раиси, у йўқ бўлган ҳолларда ўринбосари ёки Республика кенгаши Мажлиси қарорига кўра, унинг аъзоларидан бири олиб боради.

Республика кенгаши ўз фаолияти бўйича фақат Қурултой олдида ҳисобдордир.

74. Республика кенгаши қуйидаги ваколатларга эга:

- Уставда белгиланган вазифаларни, касаба уюшмаси Қурултойи қарорларини бажариш бўйича фаолиятни амалга оширади;

- касаба уюшмаси Қурултойини чақиради, Қурултойга вакиллик меъёри ва уларни сайлаш тартибини, уни ўтказиш билан боғлиқ чоратadbирларни белгилайди;

- Республика кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида Қурултойга ҳисоботини маъқуллайди ва маърузачини тасдиқлайди;

- касаба уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишларини белгилайди;

- Қурултойлар оралиғида Республика кенгаши аъзоларини (уларнинг дублёрларини) таркибдан чиқариш ва уларнинг ўрнига янги аъзоларни сайлаш тўғрисида қарорлар қабул қилади, зарур ҳолларда Республика кенгашининг сон жиҳатдан таркибига ўзгартириш киритади;

- зарурат туғилганда (жумладан, раис бошқа ишга ўтгани, истеъфога чиққани ёки саломатлиги туфайли ўз вазифаларини бажара олмай қолганда) Қурултойлар оралиғида касаба уюшмаси раисини лавозимидан озод қилади ва янги раисни сайлайди;

- касаба уюшмаси раиси ўринбосарини сайлайди ва лавозимидан озод қилади (заруриятга кўра, раис ўринбосарини сайлаш масаласи Ижроия қўмита томонидан ҳал қилиниши ҳам мумкин);

- Қурултой оралиғида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши таркибидан вакилларини чақириб олиш ва уларнинг ўрнига янги вакилларни йўллаш (сайлаш) тўғрисида қарор қабул қилади;

- Республика кенгаши аъзолари орасидан Ижроия қўмита аъзоларини сайлайди, Ижроия қўмитанинг сон таркибини белгилайди;

- касаба уюшмаси халқаро фаолиятининг асосий йўналишларни белгилайди, турдош касаба уюшмаларининг халқаро бирлашмаларига аъзо бўлиш ва ундан чиқиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

- ушбу Уставнинг 122-бандида кўрсатилган ҳолларда, касаба уюшмаси Уставига ва бошқа ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади.

- Устав вазифаларидан келиб чиққан ҳолда хайрия ҳамда бошқа марказлашган жамғармаларини ташкил қилиш ҳақида қарорлар қабул қилиши мумкин.

Республика кенгаши ўзининг мутлоқ ҳисобланмаган айрим ваколатларини Ижроия қўмитасига ва касаба уюшма раисига бериши мумкин.

75. Республика кенгашининг Ижроия қўмитаси (Ижроия қўмита)

Ижроия қўмита Республика кенгаши Мажлислари оралиғида касаба уюшмасининг доимий ижроия органи бўлиб ҳисобланади.

Ижроия қўмита таркибига лавозимига кўра касаба уюшмаси раиси ва унинг ўринбосари киради, шунингдек Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тавсия этилган бир нафар вакил ҳам киритилади.

Ижроия қўмитанинг йиғилиши заруриятга қараб, аммо ҳар чоракда камида бир мартаба ўтказилади.

76. Ижроия қўмитанинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- иш берувчилар билан тузиладиган тармоқ келишувлари лойиҳаларини маъқуллаш;

- тармоқ ходимларининг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларига доир масалаларни қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар билан чиқиш;

- вазирлик ва муассасалар билан тармоққа қарашли ташкилотлар ходимлари учун меҳнат шароити, бандлик ва ижтимоий кафолатлар бўйича мажбуриятларни, шунингдек, ходимлар ҳамда талаба ва ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш масалаларини ўзида акс эттирувчи қўшма қарорлар қабул қилиш;

- ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича тармоқ комиссияларидаги касаба уюшмасининг мухтор вакиллари таркибини тасдиқлаш;

- меҳнат инспекциясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Республика кенгашининг мажлисини чақириш, унинг кун тартиби ва ўтказиш жойи, вақти юзасидан таклифлар киритиш,

муҳокама қилинаётган масалаларга оид ҳужжатларни тақдим этиш, қабул қилинган қарорлар бажарилишини ташкил қилиш;

- касаба уюшмасининг туман (шаҳар), ҳудудий бўлинмаларини ташкил қилиш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, улар тўғрисидаги низомларни, штат жадвалларини ва ходимларининг иш ҳақи миқдорларини белгилаш;

- касаба уюшмасининг Фахрий ёрлиғини, эсдалик ва кўкрак нишонларини таъсис этиш, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

- касаба уюшмаси ходимлари ва фаолларини давлат мукофотиغا тавсия қилиш, уларга фахрий унвонлар бериш ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига таклиф киритиш;

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишган ҳолда Республика кенгашининг даромадлар ва харажатлари сметасини тасдиқлаш;

- касаба уюшмаси тизимидаги ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ўрганиш мақсадида аудитор ташкилотларни жалб қилиш;

- турдош касаба уюшмаларининг халқаро бирлашмалари органлари таркибига касаба уюшмаси вакилларини йўллаш, чақиртириб олиш;

- касаба уюшмаси ходимларини (касаба уюшмаси марказий аппарати штатидаги ходимлар бундан мустасно) Республика кенгашининг касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан хорижий хизмат сафарига юбориш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- касаба уюшмаси мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

- касаба уюшмаси марказий аппаратининг иш режасини, марказий аппарат фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш;

- айрим кечиктириб бўлмайдиган (масалан, лавозимидан озод этиш ҳақида ариза берган, саломатлиги туфайли ўз вазифаларини бажара олмаган ва бошқа) ҳолларда касаба уюшмаси раиси ўринбосарини лавозимидан озод қилиш;

- бошланғич ташкилотлар ва ҳудудий бўлинмаларнинг сайланган раҳбарлик лавозимларига номзодларни таклиф қилиш;

- касаба уюшмаси тизимида ҳисобот-сайлов кампаниясини мувофиқлаштириб бориш;

- касаба уюшмасининг рамзларини тасдиқлаш;

- касаба уюшмаси кадрлари ва фаоллари ўқувларини ташкил қилиш, касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг барча йўналишлари бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Федерация билан келишган ҳолда, Уставда кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун тижорат ташкилотларини таъсис этиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги тижорат фаолиятларини олиб бориш;

- касаба уюшмаси ташкилотлари ўртасидаги низоларни ваколати доирасида кўриб чиқиш;

- иш режасига мувофиқ ёки заруратга кўра, бошланғич ташкилотлар, ҳудудий бўлинмалар фаолиятини ўрганиш ва натижалари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш.

Ижроия қўмитага Қурултой, Республика кенгаши томонидан бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам берилиши мумкин.

77. Касаба уюшмаси раиси:

Раис Касаба уюшмасига ҳамда унинг Марказий аппаратида раҳбарлик қилади, бир вақтнинг ўзида Республика кенгаши ва Ижроия қўмита раиси ҳисобланади.

Қурултой томонидан 5 (беш) йил муддатга сайланади ва у билан меҳнат шартномасини касаба уюшмаси номидан Қурултой ваколат берган шахс имзолайди.

78. Касаба уюшмаси раисининг ҳуқуқ ва вазифалари (ваколати) қуйидагилардан иборат:

- касаба уюшмаси органлари қарорларининг бажарилишини ташкил қилади ва улар олдида ҳисоб беради;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, иш берувчилар бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда, оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, халқаро ташкилотларда касаба уюшмаси номидан ишончномасиз иш кўради;

- соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда касаба уюшмаси вакилларининг иштирокини таъминлайди;

- белгиланган тартибда касаба уюшмаси билан келишиш учун киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларни ўз имзоси билан келишиб беради ёки ўз таклиф ва эътирозларини билдиради;

- ўрнатилган тартибда иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда бошқа ташкилотлар, хорижий касаба уюшма ташкилотлари билан келишувлар, битимлар, меморандумлар ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

- ташкилотлар раҳбарларидан ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини камситадиган ёки қонун ҳужжатларига зид қарорлари ижросини тўхтатиб қўйишни ёки ўзгартиришни талаб қилади;

- зарур ҳолларда, касаба уюшмаси номидан баёнотлар беради, тегишли ташкилотларга мурожаатнома ва тақдимномалар йўллайди;

- Республика кенгаши номидан ишончномалар беради;

- Республика кенгашида ички меҳнат тартибини белгиловчи ҳужжатларни, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини (функционал вазифаларини) тасдиқлайди;

- касаба уюшмаси Республика кенгашининг аппарати ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва бекор қилади. Уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллайди;

- касаба уюшмаси раиси ўринбосар(лар)ини сайлаш ёки лавозимидан озод этиш бўйича Республика кенгашига, заруриятга кўра Ижроия қўмитага таклиф киритади;

- мазкур Уставда белгиланган ваколатлари доирасида фармойишлар чиқаради;

- Ижроия қўмита мажлисини чақиради, муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан мажлисга ҳужжатлар тайёрланиши ва киритилишини назорат қилади;

- Республика кенгаши ва Ижроия қўмита қарорларини имзолайди;

- тасдиқланган смета ва Ижроия қўмита қарорларига мувофиқ мулк ва пул маблағларини тасарруф этади;

- хўжалик шартномалари ва бошқа шартномаларни имзолайди, уларнинг бажарилишини таъминлайди;

- қонунчиликка зид келадиган, касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини бузувчи ҳаракатлар содир этилганда тегишли органларига, иш берувчи ва уларнинг бирлашмаларига, уларни бартараф этиш ҳақида шунингдек, айбдор бўлган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритади;

- касаба уюшмаси аъзолари, ходимлари ва фаолларини рағбатлантириш, давлат ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш

бўйича тегишли органларга таклифлар киритади, шунингдек уларга жамоат таъсири чорасини қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

- чет эл хизмат сафарига борадиганлар номзодларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

- Қурултой, Республика кенгаши ва Ижроия кўмитаси томонидан берилган ваколатлар доирасида бошқа ташкилий бошқарув, маъмурий-хўжалик ишларига оид функцияларни амалга оширади.

Раиснинг Республика кенгаши аппарати фаолиятига оид қарорлари фармойиш шаклида қабул қилинади.

79. Раис ва унинг ўринбосари ўз лавозимига кўра, касаба уюшма мажлисларида, Конференция ва йиғилишларда, Пленум ва Қурултойларда делегат (вакил) бўлиб қатнашади.

80. Касаба уюшмаси Республика кенгашининг аппарати.

Касаба уюшмаси Республика кенгашининг аппарати касаба уюшмаси органлари мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш учун шакллантирилади ва доимий асосда фаолият юритади.

Касаба уюшмаси Республика кенгашининг аппарати ўз фаолиятини Ижроия кўмита томонидан тасдиқланадиган регламент (иш режа) асосида амалга оширади.

81. Тафтиш комиссиялари:

Тафтиш комиссиялари мустақил бўлиб, қонун ҳужжатларига, мазкур Уставга ҳамда тегишли Низомга мувофиқ фаолият олиб боради. Улар фақат ўзларини сайлаган орган олдида ҳисобот беради.

Касаба уюшмаси тафтиш комиссиясининг таркиби ва унинг раиси Қурултойда, бошланғич ташкилот тафтиш комиссияси умумий йиғилиш (конференция)да, тегишли сайланма органнинг ваколат муддатига тенг муддатга сайланади.

Қурултойлар оралиғида, зарурат туғилганда тафтиш комиссияси аъзолари таркибига ўзгартириш киритиш, жумладан комиссия раисини лавозимидан озод этиш ва янги раисини сайлаш Республика кенгаши ва тафтиш комиссиясининг қўшма Мажлиси қарори билан амалга оширилади.

82. Республика кенгаши ва Ижроия кўмита аъзолари, бошланғич ташкилот касаба уюшмаси кўмитасининг аъзолари, касаба уюшмаси органларининг штат ходимлари тафтиш комиссияси аъзолари бўлиши мумкин эмас.

Тафтиш комиссияси аъзолари тегишли касаба уюшмаси сайланма орган йиғилишининг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашади.

83. Тафтиш комиссиялари тегишли касаба уюшмаси ташкилотининг молиявий хўжалик фаолиятини тафтиш қилади ва текширади.

Касаба уюшмасининг пул маблағлари тушуми ва сарфини, шунингдек мол-мулкидан фойдаланишни назорат қилади.

Текшириш ва тафтиш натижалари бўйича тегишли маълумотнома (далолатнома) ва тавсиялар (хулосалар) тайёрлайди.

84. Тафтиш комиссиясининг қарори ва далолатномалари тегишли касаба уюшмаси раҳбар органи томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиши ҳамда улар бўйича чора-тадбирлар белгиланиши шарт.

Касаба уюшмасининг Тафтиш комиссияси бошланғич ташкилотлар тафтиш комиссияларига услубий ёрдам кўрсатади.

IX. ҚУРУЛТОЙЛАР ВА САЙЛАБ ҚЎЙИЛАДИГАН РАҲБАР ОРГАНЛАР МАЖЛИСЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛИ БЎЛИШИ, ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

85. Касаба уюшмаси Қурултойида, бошланғич ташкилотлар Конференцияларида сайланган делегатларнинг камида $\frac{2}{3}$ (учдан икки қисми) иштирок этганда, тегишли касаба уюшма ташкилотларининг йиғилишлари, сайланма органларнинг мажлислари эса – касаба уюшма аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашганда ваколатли ҳисобланади.

86. Касаба уюшмаси ва унинг тизимидаги бошланғич ташкилотлар коллегиял раҳбар органларининг қарорлари кворум мавжуд бўлгани ҳолда, уларда қатнашаётган делегатлар, сайланма органлар аъзолари ёки йиғилиш қатнашчиларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берганида қабул қилинган ҳисобланади.

87. Овоз бериш усули (очиқ ёки ёпиқ) Касаба уюшмаси ва унинг тизимидаги бошланғич ташкилотлар коллегиял раҳбар органларининг аъзолари ва умумий йиғилиш иштирокчилари томонидан белгиланади.

88. Касаба уюшмаси ва унинг тизимидаги бошланғич ташкилотлар коллегиял раҳбар органларининг йиғилишларида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинади ва тегишли баённомалар расмийлаштирилади.

89. Заруриятга ва шароитга кўра, касаба уюшмаси ва унинг тизимидаги бошланғич ташкилотлар коллегиял раҳбар органларининг йиғилишлари видеоконференция алоқа тизими орқали ўтказилиши мумкин.

Бунда ушбу органларнинг иш жараёни, иштирокчиларнинг овоз бериши кўринарли бўлиши ва маърузаларининг эшитилиши таъминланган бўлиши керак.

Х. КАСАБА УЮШМАСИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШ ВА КАСАБА УЮШМАСИ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАКОЛАТ МУДДАТЛАРИ

90. Тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги бошланғич ташкилотларда (худудий бўлинмаларда) ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари, шунингдек касаба уюшмасининг Қурултойи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ваколатли органи қарори асосида Республика кенгаши (Ижроия қўмита) қарори билан белгиланган муддатларда ўтказилади.

Мазкур жараёнда сайланган касаба уюшмаси ташкилотчилари, цех қўмиталари раислари, касаба уюшмаси ташкилотчилари, бошланғич ташкилотлар, ва худудий бўлинмалар, шунингдек касаба уюшмасининг коллегиял раҳбар, ижроия ва назорат органлари, уларнинг раислари ҳамда раис ўринбосарларининг ваколат муддати 5 (беш) йилни ташкил этади.

91. Касаба уюшмасининг ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган коллегиял органи раҳбари (раиси) ва унинг ўринбосари ўз хоҳишига кўра, лавозимидан озод этишни (меҳнат шартномасини бекор қилишни) сўраб ариза берган ҳолларда, шунингдек Меҳнат кодексининг 161-моддаси иккинчи қисми 1-бандига (ташкилотнинг тугатилганлиги ёки таркибий ўзгариш муносабати билан) ҳамда 168-моддаси биринчи қисмига, яъни тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, уларни лавозимидан озод этиш (меҳнат шартномасини бекор қилиш) учун ваколатли коллегиял органнинг қарори талаб этилмайди, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси бекор қилингани маълумот учун қабул қилиниши мумкин.

Коллегиял орган раҳбари (раиси) билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги фармойишни мазкур орган ваколат берган шахс имзолайди.

Раис ўринбосари (раис ўринбосарлари) билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги фармойиш раис томонидан имзоланади.

Раис ва раис ўринбосари (ўринбосарлари) бир вақтда лавозимидан озод этиш (меҳнат шартномасини бекор қилиш) учун ариза берган

тақдирда, тегишли фармойишни мазкур орган ваколат берган шахс имзолайди.

92. Ҳисобот-сайлов кампаниялари оралиғида ташкил этилган бошланғич ташкилотлар ва ҳудудий бўлинмаларда навбатдаги ҳисобот-сайлов кампанияси жараёнида, умумий тартибда, ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари ўтказилади ва коллегиял раҳбар, ижроия, назорат органлари, шунингдек уларнинг раислари (раис ўринбосарлари) сайланади.

Ушбу қоида навбатдаги ҳисобот-сайловлар оралиғида бошланғич ташкилотлар ва ҳудудий бўлинмаларнинг коллегиял раҳбар, ижроия, назорат органлари таркибига сайланган аъзоларига, шунингдек уларнинг раислари (раис ўринбосарлари)га нисбатан ҳам татбиқ этилади.

93. Форс-мажор ҳолатларида ёки қонунчиликда белгиланган бошқа чекловлар жорий қилинганда, шунингдек заруриятга кўра, касаба уюшмаси Республика кенгаши (Республика кенгаши Ижроия кўмитаси)нинг қарорига мувофиқ бошланғич ташкилотлар, ҳудудий бўлинмалар, шунингдек касаба уюшмаси раҳбар, ижроия ва назорат органларининг, уларнинг раҳбарлари ҳамда раҳбар ўринбосарларининг ваколат муддатлари узайтирилиши мумкин.

94. Касаба уюшмасининг сайланадиган раҳбар органларига иш берувчилар ёки давлат органларининг мансабдор шахслари аъзо бўлишлари мумкин эмас.

XI. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ МОЛ-МУЛКИ, МАБЛАҒЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ

95. Касаба уюшмаси ва унинг тузилмасидаги ташкилотлари Уставдаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган мол-мулки ва маблағларини тасарруф этади, уларга эгалик қилади, фойдаланади ва белгиланган тартибда сарфлайди.

Касаба уюшмаси ва унинг тузилмасидаги ташкилотларининг мол-мулки ва маблағлари касаба уюшмаси аъзоларининг ҳар ойлик аъзолик бадаллари, ихтиёрий мулкӣ бадаллар ва хайриялар, белгиланган тартибда тадбиркорлик, хўжалик ва бошқа тижорат фаолиятидан олинган, устав мақсадларига йўналтирилган даромадлар, ижтимоий, маданий, маънавий-маърифий, туризм, оммавий спорт, жисмоний тарбия ва бошқа тадбирларини ўтказиш учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўтказиладиган, шунингдек қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлардан шакллантирилади.

96. Касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ва бошқа манбалардан тушган маблағлар маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларига, туризм йўналишига, касаба уюшмаси аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш ва рағбатлантиришга, касаба уюшмаси органларида ишлайдиган ходимларга ҳақ тўлашга, Уставдаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишга сарфланади.

97. Иш берувчилар касаба уюшмаси ташкилотига жамоа шартномасида, келишувида белгиланган мақсадлар учун ва миқдорларда маблағлар ўтказиши мумкин.

Иш берувчилар, корхона ва ташкилотлар касаба уюшмаси ва унинг бўлинмалари балансига ходимларни қўллаб-қувватлаш, касаба уюшмасини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўзларининг балансида бўлган объектлар, бино ва иншоотлар, асосий воситалар, активларни беғараз ўтказиб бериши мумкин.

98. Касаба уюшмаси ва унинг бўлинмалари Устав фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган қимматбаҳо қоғозлар, акция ва бошқа мулклар сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмаси ва унинг бошланғич ташкилотлари, ҳудудий бўлинмалари белгиланган тартибда ўзларининг мустақил баланси, банкларда ўз ҳисоб варақаларига (шу жумладан миллий ва хорижий валютада) эга бўлишлари мумкин.

99. Касаба уюшмаси аъзоларининг ҳар ойлик бадаллари қуйидагича йиғилади:

ишловчилардан, шу жумладан мавсумий ва ўриндошлик асосида ишловчилардан иш жойида барча турдаги иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлардан, стипендия, меҳнатга ҳақ тўлаш фондига кирувчи қўшимча, мукофотларидан бир фоиз миқдорда;

пензионерлардан пенсия миқдорининг ёки республикада белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдорининг бир фоизидан кам бўлмаган миқдорида;

вақтинча ишламайдиганлардан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир фоизи миқдорида.

Касаба уюшмаси аъзоси аризасига асосан ўз хоҳиши билан белгиланган миқдордан ортиқ бадал тўлаши мумкин.

100. Касаба уюшмаси қўшимча молиявий маблағларни ишлаб топиш ва келгусида улардан касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек қўшимча иш ўринлари яратиш учун фойдаланиш

мақсадида, белгиланган тартибда ишлаб чиқариш, хўжалик, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши, суғурта компанияси ва акциядорлик жамияти, мақсадли жамғармалар ва бошқа ташкилотларни ташкил этиши мумкин.

Мазкур фаолиятдан тушган даромад, шунингдек касаба уюшмасига аъзолик бадаллари, касаба уюшмасининг мулки, пул ва чет эл валютасидаги маблағлари аъзолар ўртасида тақсимланмайди ва Устав мақсадларига сарфланади.

101. Касаба уюшмаси маблағларини мақсадли ва самарали сарфлаш тартиби Республика кенгаши қарори билан белгиланади. Касаба уюшмасининг барча органлари учун ушбу тартибни бажариш мажбурийдир. Молиявий интизомга амал қилмаган касаба уюшмаси органлари раҳбарлари, масъул шахслари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Касаба уюшмаси ва унинг бўлинмалари органлари раҳбарлари, масъул шахслари томонидан содир этилган қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганда, ушбу шахслар ҳатти-ҳаракати натижасида вужудга келган камомад ва мажбуриятлар бўйича касаба уюшмаси жавобгар бўлмайди.

102. Касаба уюшмаси Республика кенгаши, бошланғич ташкилотлар, ҳудудий бўлинмалар, шунингдек тасарруфдаги корхона ва ташкилотларнинг маблағлари ва мол-мулклари касаба уюшмасининг умумий мулкидир.

Касаба уюшмаси бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотлари фаолияти тугатилганда ёки касаба уюшмаси аъзоси унинг сафидан чиққанда касаба уюшмаси маблағлари ва мол-мулки бўлинмайди ва қайтарилмайди.

103. Касаба уюшмасининг мол-мулк объектларига бинолар, иншоотлар, ер участкалари, механизмлар, жиҳозлар, транспорт ва техника воситалари, инвентарь, маданий-маърифий, жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган мулк, турар ва нотурар жойлар, маблағлар, шу жумладан, чет эл валютасидаги маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар, корхоналар ва хўжаликлар, оммавий ахборот воситалари, босмахоналар, санаторий-курорт, дам олиш уйи, соғломлаштириш, спорт, ўқув муассасалари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, интеллектуал мулк, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мол-мулклар киради.

104. Касаба уюшмасининг мулки дахлсиздир ва у қонун билан қўриқланади. Унинг мол-мулки национализация, реквизиция ва

мусодара қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

105. Касаба уюшмаси ўз мулкига нисбатан қонунга ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга, жумладан, ҳомийлик ва молиявий ёрдам маблағларини ажратишга, ўз мулкни ажратиб беришга, мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсларга беришга, сотишга, мулкни гаровга қўйишга, ундан бошқача тарзда фойдаланишга ҳақли.

106. Касаба уюшмаси мулкининг шаклини ўзгартириш, тасарруф этиш қонун билан ўрнатилган тартибда, мазкур Уставда белгиланган ваколатлар доирасида касаба уюшмаси Республика кенгашининг Ижроия қўмитаси томонидан ҳал этилади.

107. Касаба уюшмаси мулкни ишончли бошқарув учун бошқа шахсга (ишончли бошқарувчига) берилиши мулкий ҳуқуқларнинг ўтишига асос бўлмайди, ишончли бошқарувчи касаба уюшмаси манфаатларини ҳисобга олиб мулкни бошқариши шарт.

108. Касаба уюшмаси, ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитаси қарори (рухсати) билан ёки ваколат берилган касаба уюшмаси коллегиял органининг қарори (рухсати) билан мол-мулк ва активлар (бино ва иншоотлар, қурилмалар, автотранспорт воситалари, турли қимматбаҳо аппаратура ва техника воситалари ва ҳоказо)ни сотиб олиши мумкин.

109. Касаба уюшмаси, ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотлари қонунчиликда тақиқланмаган тарзда ҳар қандай мол-мулкни ҳады (беғараз) равишда қабул қилиб олиши мумкин.

Касаба уюшмаси аъзолари ва бошқа ташкилотлар касаба уюшмасига берган мол-мулкига ва аъзолик бадалларига эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолмайди.

110. Касаба уюшмасининг ҳудудий бўлинмалари ўз балансидаги активлари, мол-мулкларга жорий бошқарувни эгалик қилиш ҳуқуқисиз амалга оширади.

111. Касаба уюшмаси мол-мулклари ва активлари (бино ва иншоотлар, қурилмалар, автотранспорт воситалари, турли қимматбаҳо аппаратура ва техника воситалари ва ҳоказо) касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан ҳисобдан чиқарилиши, сотилиши, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга ёхуд беғараз берилиши мумкин.

ХII. КАСАБА УЮШМАСИДА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

112. Барча даражадаги касаба уюшмаси ташкилотларида сайланган лавозимга сайлангани муносабати билан ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган шахслар, шунингдек касаба уюшмаси ташкилотлари аппаратларида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимлар билан меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар, жамоа шартномалари, келишувлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

113. Касаба уюшмалари тизимидаги лавозимга сайланган ходимлар билан сайланма органнинг ваколат муддатига тенг, яъни 5 (беш) йил муддатли меҳнат шартномаси тузилади. Меҳнат шартномасини имзолаш ҳуқуқи (иш берувчи ваколати) касаба уюшмасининг сайланма органи номидан:

Республика кенгаши раисига нисбатан – Қурултой ёки Республика кенгаши Мажлиси ваколат берган делегат (вакил) зиммасига;

Республика кенгаши раис ўринбосарига нисбатан - Республика кенгаши раисига;

Бошланғич ва худудий бўлинма (бирлашган) касаба уюшма ташкилоти қўмитаси раисларига нисбатан - Республика кенгаши раисига ёки умумий йиғилиш (Конференция) ваколат берган вакил(делегат) зиммасига юклатилади.

114. Барча бўғиндаги касаба уюшмалари органлари раислари умумий йиғилиш, конференция, қурултойда, уларнинг ўринбосарлари - тегишли касаба уюшмалари органлари мажлисларида муқобиллик асосида сайланадилар.

Заруриятга кўра, раис ўринбосарини бевосита йиғилиш, конференция, Қурултойда сайлаш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

115. Касаба уюшмалари органларидаги сайлаб қўйиладиган (сайланма) лавозимдаги ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга, меҳнат шартларини ўзгартиришга, интизомий жавобгарликка тортишга тегишли сайланма органнинг олдиндан розилиги билан йўл қўйилади.

116. Касаба уюшмаси қўмитасининг раиси (ташкилотчиси), шу жумладан, қўмита аъзолари ҳамда тафтиш комиссияси)нинг сайланган муддати ўтгач ваколати тугаган ҳисобланади.

Касаба уюшмалари органларидаги сайлаб қўйиладиган (сайланма) лавозимдаги ходимларнинг ваколатлари тугаганидан сўнг уларга

аввалги иши (лавозими) берилади, бундай (иш) лавозим мавжуд бўлмаган тақдирда, ўша ташкилотда ёки ходимнинг розилиги билан бошқа ташкилотда аввалгисига тенг бўлган бошқа иш (лавозим) берилади.

117. Касаба уюшмаси штатдаги ходимларининг шахсий ҳужжатлари йиғмажилди ва меҳнат дафтарчалари ходимлар билан меҳнат шартномаси тузган касаба уюшмаси ташкилотида сақланади.

ХIII. КАСАБА УЮШМАСИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

118. Касаба уюшмасининг фаолиятини қайта ташкил этиш, тўхтатиш ва тугатиш Қурултой қарорига кўра, қонунда кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

Касаба уюшмасини қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ёки тугатиш тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси Қурултойида қабул қилинади. Кворум мавжуд бўлган ҳолда, Қурултойда қатнашаётган делегатларнинг 2/3 қисми ёқлаб овоз берганда, қарор қабул қилинган деб ҳисобланади.

Касаба уюшмасини қайта ташкил этишда Қурултой касаба уюшмасининг ҳуқуқий ворисини белгилайди.

119. Касаба уюшмаси фаолиятини тўхтатиш, шунингдек касаба уюшмасини тугатиш қонунда белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилиши мумкин.

Касаба уюшмасининг фаолиятини давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар ташаббусига кўра тугатишга йўл қўйилмайди.

120. Касаба уюшмасининг фаолияти тугатилганда, барча қарзлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан ва кредиторлар талаби қаноатлантирилгандан сўнг қолган маблағ ёки мол-мулк ушбу Уставда кўзда тутилган ва Қурултойнинг қарори билан белгиланган мақсадларга йўналтирилади. Касаба уюшмасининг мол-мулки касаба уюшмаси аъзолари ва ходимлари ўртасида тақсимланмайди.

121. Касаба уюшмаси тугатилганда унинг ҳужжатлари белгиланган тартибда архив муассасаларига сақлаш учун топширилади.

XIV. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

122. Ушбу Уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар касаба уюшмаси Қурултойи томонидан киритилиши мумкин. Қурултойлар оралиғида Уставга қўшимча ёки ўзгартиришлар Республика кенгаши мажлиси томонидан амалга оширилиши мумкин.

Уставга киритилган ўзгартиш, қўшимча ва тузатишлар белгиланган тартибда қайта давлат рўйхатидан ўтказилади.

123. Мазкур Уставни ёки унинг айрим қоидаларини шарҳлаш (талқин этиш) ҳуқуқи Республика кенгаши Ижроия қўмитасига берилади.

Ушбу Устав қоидаларини Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас.

XV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

124. Қуйи турувчи касаба уюшма ташкилотининг (органнинг) амалдаги қонун ва Устав талабларига зид бўлган қарорлари юқори турувчи орган томонидан қисман ёки тўлиқ бекор қилинади.

Ушбу Устав бўйича юқори турувчи орган қуйи турувчи орган ваколатларига доир масалаларни ҳал этиши, Устав талабларига зид бўлган қарорларини қайта кўриб чиқиш учун тегишли орган ёки ваколатли шахсга юбориши, коллегиял органлар ваколатига доир масалалар юзасидан эса унинг навбатдан ташқари йиғилишини белгиланган тартибда чақириши мумкин.

125. Мазкур Устав талабларини бажариш касаба уюшмаси тизимидаги ташкилотлар учун мажбурийдир.

Касаба уюшма раиси

(имзоланган)

А. Ишанходжаев